

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 12 август, № 156 (6591) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!




## Тадбиркорлик субъектлари қўллаб-қувватланмоқда

**Пировардида улар иқтисодий тараққиётимизнинг таянчига айланаяпти.**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш асосий устувор масалалардан бири сифатида белгиланди. Бу вазифани бажариш жараёнида қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш ҳамда тадбиркорлар фаолиятида дуч келадиган турли тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда, аввало, Президентимиз ташаббуси билан 1990 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги, 1993 йил 7 майда "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлари қабул қилинди.

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада жадаллаштириш ва давлат, хўжалик ҳамда жамоатчилик тузилмаларининг қулай тадбиркорлик муҳити яратиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш учун эса Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури тўғрисида"ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш Давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастурнинг асосий вазифалари ҳамда йўналишларини босқичма-босқич ижро этиш, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил қилиш, соҳага кредит ресурсларини ажратиш ва хорижий сармояларни киритиш учун мақбул шароит яратиш мақсадида 1996 йил 9 июлда Вазирлар Маҳкамасининг "Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори, 1998 йил 9 апрелда давлатимиз раҳбарининг "Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони имзоланди.

Ўз навбатида, мамлакатимизда 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилингани, шу муносабат билан Давлат дастури қабул қилингани соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Негаки, мазкур дастур доирасида ҳудудларда бизнесни амалга ошириш учун қулай муҳит яратилиб, бюрократик тўсиқларнинг сезиларли даражада бартараф этилишига эришилди, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиб, бу борада ишончли кафолатлар тизими вужудга келтирилди. Хусусан, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва бошқа нормаларини қисқартириш, бюрократик тўсиқ ҳамда ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор механизмлари ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Юртбошимизнинг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига биноан, барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза этиш ҳамда назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилиниши таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

## Миллий қадриятлар – юксалиш омили

Истиқлол бизга улкан имкониятлар ҳамда дунё ҳамжамиятидаги тенглик каби ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган ҳуқуқимизни қайтариб берди. Пировардида ўзлигимизни англадик, миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланди.

**ИФТИХОР**

Биз бундан руҳланиб, ўз олдимизга юксак мақсадларни қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечириб, эркин фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан дадил одимлаяпмиз. Бу борада тараққиётнинг "ўзбек модели" мустаҳкам пойдевор бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Кези келганда айтиш жоизки, миллий қадрият деганда, энг аввало, тарихий синовларга бардош берган, халқимизнинг миллий манфаатларини ўзида тўлиқ мужассамлаштирган, замонавий тараққиёт талабларига бутунлай жавоб бера оладиган, асрлар ўтгани сайин қадрқиммати ортиб борадиган ғоялар тушунилади. Ҳаёт ривожланиб бораркан, қадрият ҳам такомиллашиб, мукаммаллашаверади. Яна бир нарса аёнки, миллий қадриятни бир ёқлама, сунъий равишда улуғлаш, ундан сиёсий мақсадларда фойдаланиш жамият тараққиётига акс таъсир этиши ҳам бор гап.

Буни шўролар даврида кўп кўрганмиз. Ўша даврда маънавий меросимиз дурдоналари ҳақида сўзлаш, ёзиш, тарғиб қилиш мумкин эмасди. Бунинг устига маънавият дарғалари миллатчиликда айбланиб, қатағон этилганди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва одатларини, ўз авлод-аждодини билмайдиган манқуртларга таянар эди.

1989 йилдаёқ ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, 1990-1992 йиллардаги бир қатор фармонларга биноан, юртимизда Наврўз айёми яна умумхалқ миқёсида нишонлана бошланиши, Рамазон ҳамда Қурбон ҳайитлари байрам ва дам олиш кунлари, деб эълон қилиниши миллий қадриятларимиз тикланиши йўлидаги муҳим қадамлар бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, қадриятлар улкан тарбиявий аҳамиятга эга. Унинг ёшларимизда ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни камол топтиришдаги ўрни, айниқса, юқори.

(Давоми 2-бетда).

**ҲАМКОРЛИК**

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами тобора яқинлашмоқда. Ушбу айём муносабати билан хорижий давлатларнинг Тошкентда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари раҳбарлари республикамиз босиб ўтган йўл хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда. "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири Озарбайжоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳусейн ГУЛИЕВ билан шу мавзуда суҳбатлашди.

## Ҳусейн ГУЛИЕВ: «Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг дунёда ўз ўрнини эгаллади»

*— Элчи жаноблари, аввало, юртимизнинг давлат ҳамда жамият қурилиши соҳасидаги ишларига оид фикрингизни билишни истардик.*

— Мустақил тараққиёт йиллари мобайнида Ўзбекистонда кенг кўламли, жумладан, маъмурий ислоҳотлар ҳам ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, давлат ва хўжалик бошқаруви тизими модернизациялашди ҳамда янгиланди, маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилинди. Ижтимоий-сиёсий тизимдаги туб ўзгаришлар муваффақиятли олиб борилгани туфайли мамлакатнинг жадал ва барқарор ривожланиши таъминланди, янги миллий давлатчилик пойдевори шаклланди, демократик ҳуқуқий давлат ҳамда кучли фуқаролик жамияти асослари яратилди.

*— Иқтисодий ривожланиш ҳар қандай давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Сизнингча, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсувчанлигини қандай чора-тадбирлар таъминламоқда?*

— Республикангиз эришган марралар, энг аввало, иқтисодиётни ислоҳ этиш, либераллаштириш ва модернизациялаш, унинг тизимларини диверсификациялаш бўйича ўз вақтида бошланган вазмин, ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқ истиқболни кўзлаган сиёсат натижасидир.

Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг "ўзбек модели" ўзини амалда тўла оқлади. Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатлари Ўзбекистоннинг мазкур йўналишдаги тажрибасини, жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш ҳамда юмшатиш юзасидан Инқирозга қарши чоралар дастурини катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## САНОАТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ

### янги ишлаб чиқариш тармоқларини ўзлаштириш имконини бераяпти





**МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА**

*Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнлари жадал давом этмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки изчил янгиланишлар юксак технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ўзлаштириш, қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради. Кейинги йилларда электротехника саноатида илғор қувватларнинг фойдаланишга топширилаётгани эвазига импорт ўрнини босувчи, юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилаётгани бунга яққол мисолдир. Натижада 2016 йилнинг олти ойида "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси тизимида 640,8 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан* **17,9** *фоиз ўсишга эришилди.*

(Давоми 3-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Навоий шаҳрида "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. "Камолот" ЁИҲ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳудудий бош бошқармаси, тижорат банклари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувда 100 нафар ишбилармон йигит-қиз янги лойиҳалари билан қатнашди.

● **Термизда 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрларининг Сурхондарё вилоятидаги ижросига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда жорий йилнинг ўтган даврида воҳада 37 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркаси уюштирилиб, 2 минг 709 корхона, ташкилот ва муассаса қатнашгани, пировардида 1 минг 361 фуқаро хўжалик юритувчи субъектлар билан меҳнат шартномалари тузгани таъкидланди.**

● Андижон шаҳрида 48 ёш оила учун барпо этилган "Камолот" уйлари фойдаланишга топширилди. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Бўстон даҳасида қурилган бу тураржойлар ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити асосида берилди.

● **Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги Республика ихтисослаштирилган сув спорти саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Сузиш федерацияси, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ҳамкорлигида ўсмир қизлар ўртасида сузиш бўйича мусобақа ташкил этилди.**

● Жиззахда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида аёллар спорт фестивали уюштирилди. Тадбирда туман ва шаҳар босқичларида ғолибликка эришган 273 нафар хотин-қиз ўз маҳоратини намойиш қилди.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

## Демократик янгиланишларнинг ёрқин ифодаси

*Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан мустақиллигимизнинг 25 йиллиги олдидан жойларда мулоқотлар, учрашувлар ва турли семинарлар ўтказилмоқда.*

**ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ**

Хусусан, Навоий вилоятида бўлиб ўтган "Сиёсий ўзгаришлар — барқарор давлат ривожланишининг муҳим омили" мавзуидаги давра суҳбатида депутатлар асосий эътиборни юртимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳадаги янгиланишлар, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби амалий ишлар таҳлилига қаратдилар.

Маълумки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ҳамда бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини изчил татбиқ этиш, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ҳамда жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларини кенгайтириш, суд тизимини либераллаштириш, унинг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Икки палатали парламент шакллантирилгани қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш, ҳудудлар ва умумдавлат манфаатлари мутаносиблигини янада самарали таъминлаш имконини бераяпти. Эътиборлиси, парламентимиз томонидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш, демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишда муҳим аҳамият касб этаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## Ҳусейн ГУЛИЕВ:

# «Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг дунёда ўз ўрнини эгаллади»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Менингча, иқтисодиётнинг турли жабҳаларига хорижий сармояларнинг кенг кўламда жалб қилиниши, маҳсулот экспорти салоҳияти ва ҳажмларининг оширилиши, пухта ўйланган пул-молия сиёсати ўзбек иқтисодиёти ўсувчанлигининг энг муҳим омилларидандир.

*— Элчи жаноблари, Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни қандай баҳолайсиз?*

— Анъанага кўра, ҳар бир йил Ўзбекистонда муайян ижтимоий йўналишга бағишлангани ҳолда, ўша соҳани янада ривожлантириш бўйича кенг қамровли ҳамда самарали ишлар амалга оширилади. 2016 йил мамлакатда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинди. Давлат яна бир бор ўзининг кучли ижтимоий сиёсатга ҳамда “Инсон — олий қадрият” ғоясига тўла содиқ эканлигини кўрсатди.

Соғлом ва аҳил оила мустаҳкам келажакнинг пойдевори эканлиги ҳисобга олинган ҳолда, ушбу омилга ижтимоий сиёсатдаги устувор аҳамиятга эга бўлган вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Ишончим комилки, қабул қилинган Давлат дастури мазкур жабҳада янги марраларни эгаллаш имконини беради.

*— Ўзбекистонда толерантлик муҳитининг барқарорлигига ўз таъсирини кўрсатаётган омилларга ҳам тўхталсангиз.*

— Мамлакатда 130 дан зиёд миллат ҳамда элатлар вакиллари аҳил яшаётганининг ўзиёқ миллатлараро ҳамжиҳатликнинг ёрқин намунасидир. Ўзбекистон турли миллат ва динлар вакиллари ўзаро тинчлик ҳамда бирдамликда истиқомат қиладиган ўлка ҳисобланади.

Бундай даражага эришиш республика раҳбариятининг инсонпарварлик ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида олиб бораётган миллий сиёсати натижасидир.

Расмий статистика маълумотларида қайд этилишича, Ўзбекистонда озарбайжон миллатига мансуб қарийб 40 минг аҳоли истиқомат қилади. Улар республиканинг Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида яшайди. Шуниси қувонарлики, озарбайжон диаспораси Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти, саноати, илм-фани ва маданияти ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

*— Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати, истиқболлари ҳақидаги фикрларингизни ўртоқлашсангиз.*

— Юртингиз мустақилликка эришганидан сўнг қисқа давр ичида жаҳон ҳамжамиятининг, кўпгина халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Қудратли ресурслар салоҳиятига эга Ўзбекистон минтақанинг марказий давлати ҳисобланадики, бирон-бир муҳим масала унинг иштирокисиз ҳал қилиниши мумкин эмас.

Озарбайжон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатлар изчил ва самарадорлик билан ривожланмоқда. Ўтган 25 йил ичида улар стратегик шериклик даражасида баҳоланаётир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзолигига сайланиши чоғида мамлакатимизни фаол қўллаб-қувватлагани учун Озарбайжон Ўзбекистондан миннатдор. Биз ҳам, ўз навбатида, Ўзбекистонни барча халқаро ташкилотларда ҳамиша қўллаб-қувватлаганмиз ҳамда бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

*— Қутлуғ байрам муносабати билан Ўзбекистон аҳлига тилакларингиз...*

— Ушбу ажойиб имкониятдан фойдаланиб, Мустақиллик куни байрами муносабати билан қардош Ўзбекистон халқига ўзимнинг энг эзгу тилакларимни йўллайман. Келажакдаги барча ишларга чин дилимдан муваффақиятлар, бахту иқбол, тинчлик-фаровонлик, ҳар бир оилага файзу барака тилайман.

**«Жаҳон» АА.**

# Миллий қадриятлар — юксалиш омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маънавият — ҳар бир инсон ҳаёти ҳамда қалбида, онгида кечаётган ўзгариш, доимий такомиллашув жараёнини ҳам англатади. Ҳозирги кунда юртимизда 32 миллион нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг кайфияти ўтган асрнинг 90-йилларидаги инсонлар кайфиятидан бутунлай фарқ қилади. Бунда, албатта, миллий қадриятларимизнинг аҳамияти катта бўлмоқда, десак, айни ҳақиқатдир. Бугун синчков инсон халқимиз онгу тафаккури бутунлай ўзгарганини тезда англаб олади.

Юртдошларимиз “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?!” деган эзгу ғоянинг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниб етмоқда. Пировардида ҳаётимизнинг барча жабҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилаяпти, одамларимиз ўртасида меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар мустаҳкам қарор топмоқда.

Буни ёрқинроқ тасаввур этиш учун миллий қадриятлар бешиги бўлган маҳалла фаолиятига назар ташлашнинг ўзи кифоя. Шу ўринда миллий давлатчилигимиз тарихида илк марта Конституциямизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб берилганлигини айтиш зарур. Шу тариқа маҳалла институти ҳуқуқ ҳамда ваколатлари кенгайтирилиб, қонунчилик асослари такомиллаштирилди.

Амалдаги қонун ҳужжатлари уларнинг ҳақиқий демократия мактаби сифатида изчил фаолият юритиш ва мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, урф-одат ҳамда анъаналар қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойитиб борилишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, айниқса, ёш авлоднинг онгу тафаккурини миллийлик ва замонавий асосда шакллантиришда муҳим омил бўлаётир.

Сайловчилар билан учрашувларда бир нарсага амин бўламизки, юртдошларимизнинг маънавий дунёси юксалиб, ижтимоий фаоллиги ўсиб, Ватан тараққиётига дахлдорлик туйғуси тобора кучайиб бормоқда. Одамларимизда миллий ўзлик ҳамда Ватан туйғуси каби эзгу тушунчалар, қонунларга бўлган ишонч ҳам юксалаяпти. Бу жараёнда биз, депутатлар ҳам Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган принциплар асосида парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти давомида миллий хусусият ва қадриятларнинг ифодаланишига алоҳида эътибор қаратамиз.

Миллий қадриятлар — миллат юзи, қалб шууридир. Шундай экан, миллий қадриятларимиз баробарида, мустақилликни олий қадрият даражасига кўтариш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади. Зеро, биз эришаётган жамики ютуқлар ана шу муқаддас неъмат шарофатидандир.

**Козим ТОЖИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Демократик янгиланишларнинг ёрқин ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Парламент қонун ижодкорлиги фаолиятида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ташаббуслар алоҳида ўрин тутади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати В. Цветков. — Концепция асосида қабул қилинган қонунлар жамият ҳаёти ҳамда давлат бошқарувининг турли соҳаларини тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятли эканлигини таъкидлаш жоиз. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида олиб борилган кўп йиллик ислоҳотлар натижаси бўлган ушбу ўзгаришлар жамият ҳаётидаги ижобий ютуқларнинг мустаҳкам асоси бўлаяпти.

Тадбир кўтаринки ҳамда амалий руҳда ўтди, иштирокчилар юртимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришлар аҳамияти ҳақида фикр алмашдилар.

Андижон қишлоқ хўжалик институтида ўтказилган тадбирда мустақиллик йилларида фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ҳамда соҳани ривожлантиришнинг муҳим омилига айлангани қайд этилди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда қишлоқ хўжалигига бозор муносабатларини жорий қилиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга йўналтирилган тизимли ҳамда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, фермерлик ҳаракати учун катта имкониятлар яратилди. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 — 92 фоизини етказиб бермоқда.

— Маълумки, тармоқни ривожлантиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган, Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорлари асосида имтиёзлар ҳамда преференциялар тақдим этилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ф. Ибрагимова. — Қувонарлиси, қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш асосида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойларда қайта ишлаш, қадоқлаш имконига эга бўлди. Натижада рақобатдош маҳсулотлар тайёрланиб, ички ва ташқи бозорга етказиб берилаяпти, энг муҳими, қишлоқларда янги иш жойлари яратилиб, аҳоли турмуши янада яхшиланмоқда.

— Депутатлар билан мулоқотимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида эришаётган ютуқларимиз, соҳага қаратилаётган эътибор хусусида атрофлича фикр алмашилди, — дейди вилоятдаги “Оқсув” фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедов. — Дарҳақиқат, озиқ-овқат экинлари майдонларини кенгайтириш, фермерлик ҳаракатини ҳамда қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасида мамлакатимиз тарихан қисқа даврда озиқ-овқат мустақиллигига эришди. Буни яқинда Тошкентда бўлиб ўтган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси доирасида вилоятимизга ташриф буюрган хорижлик экспертлар ҳам яна бир бор эътироф этишди.

Давра суҳбати якунида фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни янада ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Замонавий корхона

Андижон шаҳрида 6 миллиард 150 минг сўмлик инвестиция киритиш шарти билан хитойлик сармоядорларга “ноль” қийматида сотилган бўш турган бино ўрнида замонавий саноат мажмуаси бунёд этилиб, маҳаллий хотин-қизлардан 120 нафари ишга олинди.

**МОДЕРНИЗАЦИЯ**

— Корхонамиз йилига 500 мингтагача жинси шим тикиш қувватига эга, — дейди улардан бири Оминахон Маматхонова. — Маҳсулотимиз хорижникидан асло қолишмайди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги тўйини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш тараддудидамиз.

Корхона раҳбари Вонг Чаонинг эътироф этишича, айни пайтда маҳсулот тури 20 тага етди. Тез орада уларни экспорт қилишга ҳам киришилади. Демак, жаҳон савдо марказларида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остидаги маҳсулотлар тури янада кўпаяди.

**С. ХЎЖАМБЕРДИЕВ.**



З. УМРЗОҚОВ олган сурат.

## ТАДБИР

*Ота-она учун фарзанд камолини кўриш — катта бахт. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги олдидан Қибрай туманида ташкил этилган “Ватан тараққиётига фарзандларимиз қўшган ҳисса” деб номланган байрам тадбири иштирокчилари буни яна бир бор ҳис қилишди.*

# Ватан равнақига муносиб ҳисса

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган тантанали маросимда ўз билим ва салоҳияти билан мамлакатимиз миқёсида юксак эътирофга сазовор бўлган, халқаро танловларда Ватанимиз номини янада улуғлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган 15 нафар йигит-қизнинг ота-оналари шарафланди.

14 ёшгача бўлган қизлар ўртасида шахмат бўйича республика чемпионати ғолиби чирчиқлик Гулрухсор Эсонбоева Францияда ўз тенгдошлари ўртасида муваффақият қозонганида, онаси Мироятхон ая, отаси Рисқиддин ака, табиийки, ҳаммадан кўпроқ қувонган эди. Ёки ангренлик 18 ёшли Беҳзодбек Болтабоев халқаро Менделеев олимпиадасида кумуш, Москва шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон олимпиадасида олтин медални қўлга киритиб, Президентимизнинг Фармони билан “Шуҳрат” медалига сазовор бўлганида яқинларининг кўзларига севинч ёшлари келганди.

— Бугунги тадбирда отаонамнинг қувончини кўриб, кўнглим ёришди. Уларнинг ишончини оқлаганимдан, ҳаётда ўз ўрнимни топганимдан жудаям хурсандман, — дейди зангиоталик ёш тадбиркор Комил Қосимов.

Тантанали маросимда Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган йигит-қизларнинг ота-оналарига чуқур миннатдорлик билдирилди. Улар фарзанд тарбиясида эришган ютуқлари учун вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалари билан рағбатлантирилди.

Санъат усталарининг концерт дастури тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими С. Абдуллаев сўзга чиқди.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тадбиркорлик субъектлари қўллаб-қувватланмоқда

## Пировардида улар иқтисодий тараққиётимизнинг таянчига айланаяпти.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яъни унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин қилинадиган бўлди.

2012 — 2015 йилларда қабул қилинган қонун ва конуности ҳужжатлари, шунингдек, амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли эса 80 дан ортиқ рухсат бериш жараёнлари, 15 та лицензияланадиган фаолият, 65 турдаги статистика ҳисоботи бекор қилиниб, яна 23 тасини тақдим этиш даврлари сони қисқартирилди. Рухсат бериш муддатлари 2 баробар, бу жараёнларнинг баҳоси 5 баробар камайтирилган ҳолда, ушбу давр оралиғида 22 турдаги интерфаол солиқ хизмати жорий қилинди.

Таъкидлаш керакки, қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза этувчи, назорат органлари ҳамда маъмурий тузилмаларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф қилиш учун қатъий тартиб ўрнатиш ва ана шу идораларнинг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларининг жавобгарлигини оширишда катта аҳамият касб этди.

Пировардида микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолияти тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик субъектлари фаолияти эса уч йилда бир марта режали тартибда текширилиши ҳамда бундай текширувлар фақат Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши қарорига асосан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Буларнинг барчаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги ўрнини мустаҳкамлаш, салмоқли ҳиссасини ошириш имконини берди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ортгани, мазкур соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилаётгани, иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, аниқроғи, ана шу муваффақиятларни қўлга киритишда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг алоҳида ўрни бор, албатта.

У Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 7 июлдаги Фармонига биноан, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси негизида ташкил этилган бўлиб, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, амалдаги қонунчиликни мукаммаллаштириш мақсадида бизнесни юритишнинг хориж тажрибаси ҳамда халқаро ҳуқуқий меъёрларни инобатга олган ҳолда, доимий равишда таклифлар киритиш ва тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш юзасидан муайян ишлар рўёбга чиқарилди. Чунончи, 1073 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш мақсадида ҳуқуқий ҳамда иқтисодий экспертизаси амалга оширилди, назорат қилувчи органлар томонидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги 8 минг 394 та текширувда, шу жумладан, 7 минг 764 та режали ва 630 та режадан ташқари текширувда қатнашди. Савдо-саноат палатаси аъзолари манфаати кўзланган ҳолда, судларга 202 минг 89 та даъво аризаси киритилиб, улардан 160 минг 374 таси талаблари тўлиқ қондирилди, 415 таси эса давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари қарорлари ёки уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги юзасидан бўлгани аниқланди, республикамизнинг барча ҳудудида фаолият юритадиган Савдо-саноат палатаси қошида ҳакамлик суди тизими жорий қилинди.

Қолаверса, тадбиркорлар ўз фаолиятида дуч келган айрим муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш мақсадида ташкиллаштирилган “Тадбиркорлик куни” тадбирларида 2011 йилдан бери 346 мингдан ортиқ ишбилармон қатнашган бўлса, улардан келиб тушган бизнесни юритишга оид 65 минг 189 та мурожаатнинг 61 минг 900 таси жойида ҳал қилинди. 265 минг 499 нафар мутахассис республикамизда, 813 нафар тадбиркорлик субъекти вакили хорижда ўқитилди. Ўзбекистонда 754 та кўргазма ташкил этилиб, уларга 46 минг 46 нафар маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорлар жалб қилинди. 2001 нафар маҳаллий тадбиркорнинг чет элдаги 466 та кўргазма ва ярмаркада иштироки таъминланди. 864 та кичик бизнес субъектига умумий миқдори 624,1 млн. АҚШ долларилик маҳсулотини экспортга чиқаришда ёрдам берилди.

Бугунги кунда Савдо-саноат палатаси хорижда 13 та ваколатхонага эга бўлиб, улар кўмагида чет эл ишбилармон доиралари вакилларини Ўзбекистондаги мавжуд имкониятлар ҳақида хабардор этиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, 56 та давлат ташкилоти билан 165 та ҳамкорлик ҳамда шериклик бўйича келишув имзолангани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Савдо-саноат палатасининг республикамизга хорижий инвестициялар ва минитехнологиялар жалб қилиш бўйича амалга оширган ишлари ҳам эътиборга лойиқ. Айтайлик, унинг кўмагида низом жамғармаси 151,4 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 374 та қўшма ҳамда хорижий компания ташкил этилди, 1813 та ташкилотга 247,99 млн. АҚШ долларилик минитехнология ва асбоб-ускуналарни топиш ҳамда харид қилишда кўмаклашилди.

Айни пайтда Савдо-саноат палатасининг аъзолари сони 28 минг нафардан зиёд бўлиб, уларнинг 13 минг 928 нафари якка тартибдаги тадбиркор, 10 минг 37 таси микрофирма, 2 минг 953 таси кичик корхона, 987 таси йирик корхона ва 192 таси уюшма саналади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини муттасил ошириб бориш орқали аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишига эришиш, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлаш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор мақсадларидандир. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси жамоаси юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишига тўсиқ бўлаётган, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чеклаётган масалаларни доимий равишда ўрганиш ҳамда бартараф этиш, жойларда фаолият юритаётган барча турдаги тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида фаол иш олиб бормоқда.

**Алишер ШАЙХОВ,**
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси.**

### ЭЪТИРОФ

**Сунг-Чул ЙО,**
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси маслаҳатчиси (Корея Республикаси):**

— Ўтган йилнинг сентябрь ойидан буён Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси маслаҳатчиси вазифасини бажариб келаяпман. Бу ерга мени Корея Республикаси ҳукумати ўзбек ва корейс компаниялари ўртасида савдо-инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида юборган.

Ўзбекистон 1991 йилдан бошлаб иқтисодиёт, хусусан, саноат базасини қайта тузиш борасида сезиларли ютуқларга эришди. Фикримча, мамлакатларимиз ўртасидаги яқин иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилгани ҳам саноат соҳасининг янада ривожланишига хизмат қилади.

Менинг фаолиятим Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришга қаратилган. Жумладан, юртимиз саноати, бозорлари ва компанияларига оид маълумотларни тақдим этган ҳолда, корейс компаниялари билан музокаралар уюштиришда ёрдам бериб келаяпман.

Келажакда эса EC21.com ҳамда TradeKorea.com электрон тижорат порталларига Корея Республикаси бозорида ўзбек компанияларининг маҳсулотлари ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш орқали маҳаллий тадбиркорларга экспорт-импорт соҳасида кўмаклашиш ниятидаман.

Бундан ташқари, корейс компанияларининг Ўзбекистондаги кўргазмаларда иштирокини ташкил қилиб, ҳамкорлар топиш мақсадида делегациямизни таклиф этишни режалаштирганман. Ўз навбатида, ўзбекистонлик тадбиркорларнинг Кореядаги халқаро кўргазмалар ва ишбилармон доиралар вакиллари билан музокараларда қатнашиш учун янги имкониятларни излаяпман.

Қисқаси, дўст мамлакатлар бўлган Ўзбекистон ҳамда Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдан бахтиёрман.

### ЭЪТИРОФ

**Григориос КОНТЗОГЛУ,**
**“Management training programme” (MTP) лойиҳаси раҳбари (Греция):**

— Сўнгги уч йил ичида мамлакатингиз тадбиркорлик субъектлари фаолиятида улкан ижобий ўзгаришлар юз берганига гувоҳман. Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари Европа вакиллари билан корхоналарни модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш борасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатаётгани, айниқса, таҳсинга лойиқ. Натижада тайёрланаётган маҳсулотлар сифати яхшиланиб, рақобатдошлиги ошмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# САНОАТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ

## янги ишлаб чиқариш тармоқларини ўзлаштириш имконини бераяпти

Пойтахтимиздаги замонавий шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Oniks Toshkent” масъулияти чекланган жамияти саноатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мевасидир. Бу ерда жорий йилнинг биринчи ярмида 868,4 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлинди. Бу ҳали ишнинг бошланиши. Чунки ушбу йирик лойиҳанинг техник иқтисодий асосига биноан, 2014 — 2021 йилларда 108,2 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши мўлжалланган. Шу пайтгача 84,6 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилди. Сармоянинг қолган қисми ҳам белгиланган муддатларда жалб этилиб, ишлаб чиқариш линиялари тўлиқ ишга туширилиши кутилаяпти.

Лойиҳа доирасида дастлаб электр ёритиш ускуналарини йиғиш цехи ишга туширилди.

— Ушбу цехда 80 хилдаги қандиллар тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб берилаяпти, — дейди цех бошлиғи Абдували Ниғматиллаев. — Улар юқори сифати, кўриниши замонавий ечимга эгалиги билан харидорлар эътиборини қозонмоқда. Маҳсулотларимизга талаб юқорилигини инобатга олган ҳолда, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш мақсадида тегишли чора-тадбирларни қўллаяпмиз.

Яқинда фойдаланишга топширилган корхонанинг навбатдаги босқичи саноатимиз учун янгилик бўлди. Гап шундаки, бу ерда натрий-кальцийли шиша идишлар тайёрлана бошланди.

Шиша эритиш печи янги цехнинг юраги ҳисобланади. Бу ерда иш узлуксиз равишда ташкил этилган бўлиб, бир кеча-кундузда 20 тонна хом ашё чуқур қайта ишланади. Яъни 12 хил компонентдан таркиб топган хом ашё 1500 даража иссиқликда эритиб берилади. Уни “Atom-20” роботи белгиланган ўлчамда олади-да, пешма-пеш қолипларга қуяди. Уларга шакл берилгач, иккинчи робот кўмагида пишириш печига киритилади.

— Ҳар бир шиша буюм олти босқичда пиширилади, — дейди мазкур цех бошлиғи Суюн Бойтўраев. — Бу жараёнда ҳароратнинг босқичма-босқич пасайтирилиши ўта муҳим. Масалан, ҳозир ишлаб чиқарилаётган косаларнинг вазни 570 грамм бўлиб, дастлаб 560 — 580 даража ҳароратда ишлов берилса, охирги босқичда 100 даражага туширилади. Бунинг самараси ўлароқ, маҳсулотнинг кўриниши ёрқин, иссиқ-совуққа чидамли, энг муҳими, ўта мустаҳкам бўлиши таъминланади.







Саноатнинг янги йўналиши ўзлаштирилишида юртимизда қулай бизнес муҳити яратилгани тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бераётгани, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаётгани муҳим ўрин тутаяпти. Хусусан, ушбу лойиҳа рўёбида жаҳон шиша саноатида етакчи ҳисобланган Италиянинг “Stara Glass S.p.A.” компанияси мутахассислари яқиндан кўмак беришди. Хорижнинг энг сўнгги русумдаги бешта технологик линияси олиб келиниб, белгиланган муддатда ўрнатилди. Улар реал вақт режимида ишлагани боис носозлик юзага келган тақдирда дарҳол чет эллик мутахассислар билан мулоқот ўрнатилиб, муаммо бартараф этилади.

Тайёрланаётган шиша буюмларнинг кўриниши биллур идишларга жуда яқинлиги боис ташқи бозорда уларга талаб катта. Шунинг учун жамият жамоаси маҳсулотлар турини янада кўпайтириш, хусусан, ресторан буюмларини тайёрлашни ўзлаштириш пайидан бўлмоқда. Бошқача айтганда, ҳозирги пайтда 7 хилдаги шиша идишлар ишлаб чиқарилгани ҳолда, 2021 йилга қадар уларнинг турини 31 тага етказиш режалаштирилаётир.

Энг муҳими, корхонада 160 та янги иш ўрни яратилган бўлса, уларнинг аксариятига ёш йигит-қизлар жалб этилган.

— Италиялик мутахассислардан роботлаштирилган технологик линияларни бошқаришни тезда ўзлаштириб олдим, — дейди маҳсулотларга шакл бериш устаси Акмал Толипов. — Шиша томчисини қуйиб берадиган роботни узлуксиз кузатиб тураман. Ҳар 15 дақиқада унинг вазнини текшираман. Буларнинг барчаси мен учун жуда мароқли. Айтмоқчи бўлганим, шундай замонавий корхонада ишлаётганимдан, оиламга, жамиятимизга нафим тегаётганидан мамнунман.

Корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, жамоа сафига яна 150 нафар ёш жалб қилинади. Бу, ўз навбатида, юртимиз аҳолисининг шиша идишларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирибгина қолмай, экспорт қилиш имкониятини ҳам яратади. Зотан, саноат тармоқларида амалга оширилаётган бу каби истиқболли лойиҳалардан кўзланган асосий мақсад ҳам рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш кўламини кенгайтириб, ички ва ташқи бозордан мустаҳкам жой эгаллашдир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# Соғлом она — соғлом бола

Нурота шаҳридаги “Чилламазор” гузарида яшайман. Ўша ерда болалигим, ёшлигим ўтди. Мустақиллик бизга, аввало, ўзлигимизни қайтариб берди. Ҳаётимиз фаровонлашди, рўзғоримизга барака кирди. Айниқса, ғалла мустақиллигига эришганимиз биз, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган кексаларнинг қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди.

**ДИЛ СЎЗИ**

Мустақилликка эришганимиздан сўнг она ва бола саломатлигини асраб-авайлашга катта эътибор қаратилаяпти. Бугун ҳомиладор аёл ҚВП шифокори назоратига олинади. Патронаж ҳамшираси томонидан соғлиғи доимий текшириб турилади, тиббий кўриклар ташкил этиб борилади. Аёл ҳомиласи 6 ойлик бўлганидан кейин иш ўрни сақланган ҳолда ҳомиладорлик таътилига чиқарилади. Унга иш ҳақининг бир неча баробари миқдорида мукофот ҳамда суюнчи пуллари берилади. Фарзанди туғилгач эса, гўдак икки ёшга етгунича ойма-ой бола парвариши учун маблағ тўланади. Она уч йил давомида жигарбандини тарбиялаб, кейин бемалол ўз ишини давом эттириши мумкин. Она-бола соғлиғи доимий назоратда, улар учун қулай шарт-шароит, имкониятлар мавжуд. Бугун корхоналарда ишлаётган оналар учун дам олиш хоналари, спорт заллари, соғломлаштириш марказлари хизмат кўрсатмоқда. Қонунчилигимизда ҳам боласи 3 ёшга тўлмаган оналар оғир меҳнат шароитига жалб этилмаслиги ифодаланган. Қизларимиз, келинларимиз, невараларимиз бугун ана шундай муносиб меҳнат шароитида ишлаётганидан кўнглимиз тўлади, уларга ҳавасимиз келади.

Бугуннинг файзу барокатли кунларига шукроналар айтиб, Мустақилликнинг қадрига етиб яшашга нима етсин?!

**Саодат РАҲМАТОВА,**
**меҳнат фахрийси.**
Нурота тумани

# Фидокорона меҳнат барака келтиради

*Ғўза — меҳрталаб экин. У деҳқоннинг кечани кеча, кундузни кундуз демай қилган фидокорона меҳнати туфайли гуркираб ўсади, қимматбаҳо ҳосил тўплайди. Экин парваришида, айниқса, август ойи энг масъулиятли давр ҳисобланиб, бу пайтда белгиланган барча агротехника тадбирлари сифатли бажарилса, ҳосил салмоғи баланд, сифати юқори бўлади.*



## АВГУСТ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ЗАРБДОР ОЙИ

Шунинг учун фермер хўжалигимиз жамоаси аъзолари ўз зиммасидаги юмушни қунт билан бажармоқда. Бунинг самараси ҳозирданоқ кўзга ташланаяпти: июль ойида пайдо бўлган кўсаклар бирин-кетин очилаётир, асад кўсаклари эса тобора тўлишиб бораяпти. Ҳадемай, улар ҳам лўппи-лўппи пахтага айланади.

Меъёрдаги фойдали иссиқликни олаётган ниҳоллар кун сайин барқ уриб ривожланмоқда. Бунда маромида суғоришнинг аҳамияти катта. Чунки озгина эътиборсизлик туфайли экин чанқатиб қўйилса, ғўза гул ташлайди. Мавжуд кўсаклар эса кичрайиб, вазни 1-2 грамм камаяди, толаси яхши етилмайди, чигити пуч бўлиб қолади. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда, назоратни бир зум ҳам сусайтирганимиз йўқ.

Кўп йиллик тажрибамизга таяниб, суғоришда “шарбат” усулини қўллаяпмиз. Бунинг учун керакли миқдорда маҳаллий ўғит жамғарганимиз, дала бошида ҳандақлар ковлаганимиз қўл келаяпти. Натижада ниҳоллар асад сувига қониб, намлик узоқ сақланмоқда. Бу бизнинг тупроқ-иқлим шароитимизда сувни тежашда айни муддаодир.

Бундан ташқари, обиҳаётдан оқилона фойдаланиш мақсадида ғўза қатор оралари 60 сантиметр бўлган майдонларда сувни эгат оралатиб тараяпмиз. Бунинг ҳисобига бебаҳо неъматни 15 — 20 фоизгача тежашга эришаяпмиз.

Август ойида бажариладиган агротадбирларнинг яна бир нозик жиҳати шундаки, бу пайтга келиб, ғўза соясида ҳам ўсаверадиган бегона ўтлар кўпая бошлайди. Улар тезда юлиб ташланмаса, экиннинг озуқасига шерик бўлади. Шу боис далаларни бегона ўтлардан тозалаш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Табиийки, бунда культивациянинг аҳамияти катта бўлаяпти.

Далаларимизни тез-тез культивация қилаяпмиз. Ғўза, асосан, илдизидан озиқлангани боис бу агротадбир туфайли тупроқдаги ҳаво алмашинуви яхшиланиб, ҳосил ривожи учун қулай микроиқлим вужудга келади. Бугунга қадар 8-9 марта культивация қилганимизнинг сабаби ҳам шунда. Асад ойи якунига қадар яна 1-2 марта қатор ораларини юмшатамиз. Ана шунда мўлжалдагидан ошириб ҳосил олишимиз турган гап.

Умуман, мўл ҳосил яратишга аҳд қилган фермер хўжалигимизнинг барча аъзоси асадда ғўза “варақлаб”, уни шамоллатиш, бегона ўтлардан тозалаш ва бошқа агротехника юмушларини бир зум ҳам тўхтатгани йўқ. Деҳқонлар тили билан айтганда, бу билан ғўзалар “уйғотилаяпти”. Натижада экин мағзи тўқ ҳамда баракали ҳосил тўплайди.

**Абдимурод БОЗОРОВ,**
**Қамаши туманидаги «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги раҳбари,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

# ЭЪЛОНЛАР

*Компания ва фирмалар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Моддий-техника таъминоти бошқармаси**

**тендер савдолари эълон қилади.**

Тендер савдоларида хорижий фирма ва ташкилотлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

**1.** Тендер комиссия ишчи органи номи ва манзили:
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Моддий-техника таъминоти бошқармаси,
Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: (+99871) 231-49-73, 255-78-24. Факс: (+99871) 281-43-73, 281-43-74.
E-mail: umts@mvd.uz

**2.** Тендер савдоси предмети:
* **14-54-1-сонли тендер** — «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимларида видеокузатув тизимини ташкил қилиш учун видео ускуналарни етказиб бериш»;
* **14-54-2-сонли тендер** — «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимларида видеокузатув тизимини ташкил қилиш учун компьютер техникалари ва жамловчи қурилмаларни етказиб бериш»;
* **14-54-3-сонли тендер** — «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимларида видеокузатув тизимини ташкил қилиш учун мониторларни етказиб бериш»;
* **111-сонли тендер** — «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимлари учун рақамли АТСларни етказиб бериш, ўрнатиш, ишга тушириш ва ходимларни ўқитиш».

**3.** Етказиб бериш шарти, муддати ва тўлов шарти юзасидан маълумотлар тендер ҳужжатларида кўрсатилган.
**4.** Тендер бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер иштирокчиларининг малакавий танлови ўтказилади.
**5.** Тендер ҳужжатлари қиймати, тендер таклифларини кафолатлаш суммаси ва уни тўлаш тартиби, тендер ҳужжатлари тўлови учун банк реквизитлари тендер ҳужжатларида кўрсатилган.
**6.** Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати Тошкент вақти билан — **2016 йил 15 сентябрь куни соат 18.00 гача**.
**7.** Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин.

1206/552

**«VIP REAL ESTATE» МЧЖ**

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2016 йил 14 сентябрь куни соат 15.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига АТ «Туронбанк»ка қарашли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 218 ҳамда 220-уйда жойлашган, ертўлали, икки қаватли, бизнес маркази биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 5 854 100 000 сўм.***

Мазкур кўчмас мулк аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдолари 2016 йил 21, 28 сентябрь ва ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 15.00 да ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 10 (ўн) кун муддат мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари, савдо ташкилотчисига сотув нархининг 0,5 фоиз миқдорида комиссион йиғим тўлаши лозим. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчиси — «Vip real estate» МЧЖнинг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслар — паспорт нусхаси; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143.**
**www.realtors.uz Электрон почта: info@realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1209R/465

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танловда хорижий фирма ва ташкилотлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), шунингдек, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

**Танлов предмети — узлуксиз қувватлаш манбаи.**

***Эълоннинг амал қилиш ва таклифларни қабул қилиш муддати — 2016 йил 25 августгача.***

**Танлов шартлари бўйича маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:**
**Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**
**Телефонлар: (+99871) 231-49-73, 252-30-36, 255-78-24. Факс: (+99871) 281-43-73, 281-43-74.**
**E-mail: umts@mvd.uz**

1205/552

**«VIP REAL ESTATE» МЧЖ**

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2016 йил 31 август куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига ЖИБ Тошкент вилояти Янгийўл тумани судининг 2015 йил 23 сентябрдаги 1-530-15-сонли ижро варақасига асосан, Янгийўл тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Халқобод» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 0,79 гектар ерда қурилган, 7 литердан иборат бўлган гараж бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 200 766 363 сўм 28 тийин.***

Закалат миқдори — 10 (ўн) фоиз.

2016 йил 13 сентябрь куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

**1.** ФИБ Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судининг 2015 йил 10 июндаги 1-1729/15-сонли ижро варақасига асосан, Яккасарой тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тузель-2 мавзеси, 13-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 84,01 кв. м., тураржой майдони 51,70 кв. м., 4 хонадан иборат 58-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 122 000 000 сўм.***

**2.** ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2015 йил 2 декабрдаги 1-846/15-сонли ижро варақасига асосан, Чилонзор тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий кўчаси, 17-мавзеда жойлашган, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш тармоқлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 078 667 000 сўм.***

Закалат миқдори — 20 (йигирма) фоиз.

Аукцион савдосига чиқарилган кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида мулк учун тўлиқ тўловни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 ва 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Vip real estate» МЧЖнинг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси; юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома.

Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143.**
**www.realtors.uz Электрон почта: info@realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1208R/465

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Корпоратив бошқарув факультети декани ўринбосари Олимжон Абдусаломовга отаси

**Эшмирза АБДУСАЛОМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси Дилмуродҳаким Абдуллаевга отаси

**Ҳамид АБДУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Уч раундда уч нокдаун

## Боксчиларимиз ярим финалга чиқди.

*Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида боксчиларимиз ажойиб ғалабалари билан барчамизга қувонч улашишда давом этмоқда.*



Ҳамюртларимиздан рингга дастлаб вазни 91 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари баҳсида иштирок этаётган Рустам Тўлаганов кўтарилди. Ушбу босқичда спортчимизга анча номдор рақиб — ўтган йилги жаҳон чемпионати бронза медали соҳиби, Европа ўйинлари ғолиби озарбайжонлик Абдулқодир Абдуллаев рўбарў келди.

Очиғини айтиш керак, беллашувдан аввал жуда кўп хорижий интернет сайтлари, спорт шарҳловчилари, мутахассислар Абдулқодирнинг тажрибасидан келиб чиқиб, унинг имкониятларини юқори баҳолаётганди. Лекин амалда Рустам ана шундай тахминларни йўққа чиқарди. Учта раундда фаол ҳаракат қилиб, 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган боксчимиз ярим финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу камида Олимпия ўйинларининг бронза медали билан тақдирланади, деганидир. Бироқ, келинг, ниятни каттароқ қилайлик: у юртимизга олтин медаль билан қайтсин.

Рустам Тўлаганов кейинги баҳсни россиялик Евгений Тишенкога қарши ўтказади.

Энг енгил вазн тоифасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган истеъдодли чарм қўлқоп устаси Ҳасанбой Дўсматов қозоғистонлик Биржан Жакипов билан куч синашди. Ҳасанбойнинг рақиби ҳам анойи эмасди: ўзидан тўққиз ёш катта, бўйи эса нисбатан баланд. Аммо беллашувни томоша қилган киши борки, пухта тайёргарлик кўрган, ўзига ишончи юксак спортчи учун бу жиҳатлар ғалаба йўлида тўсқинлик қила олмас экан, деган хулосага келгани аниқ. Чунки ҳамюртимиз ана шундай фазилатларни намойиш этиб, Қозоғистон вакилига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Шу тариқа, Ҳасанбой ҳам ярим финалга чиқди. Кейинги босқичда у АҚШлик Нико Мигель Эрнандес билан баҳслашади.



64 килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги мусобақада яна бир иқтидорли спортчимиз — Фазлиддин Ғойибназаров ажойиб ғалабага эришди. У конголик Дивал Малонгани уч раунд давомида уч маротаба нокдаун ҳолатига туширди. Сўнгги нокдаундан кейин ҳакамлар учрашувни муддатидан аввал тўхтатишди. Фазлиддин навбатдаги босқичда ҳиндистонлик Манож Кумар билан куч синашади.

Вазни 60 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари беллашувида Хуршид Тожибоев Буюк Британия вакили Жосеф Кординани енгиб, чорак финалга йўл олди. У ярим финал йўлланмаси учун Бразилия вакили Робсон Консеисао билан баҳслашади.

**Шавкат ОРТИҚОВ тайёрлади.**

Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.

**ХУШХАБАР**

Бухоро шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари “Истеъдодларни шарафлаймиз” (“Салют талантов”) XX халқаро фестивалда муваффақиятли иштирок этди.

# Халқаро танловдаги эътироф

— Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган мазкур ижодий кўрикда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган 200 нафардан зиёд ўғил-қиз ўз иқтидорини намойиш қилди, — дейди ушбу таълим муассасасининг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Бобомурод Эгамов. — Унда шогирдим Жалолиддин Исломов қадимий Бухоро манзаралари акс эттирилган суратлари билан қатнашиб, Гран-при соҳиби бўлди ва ушбу халқаро фестивалнинг якуний босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Тадбирда, шунингдек, бухоролик Асал Забиеванинг фортепиано йўналишида, Шаҳинабону Олимованинг хореография бўйича маҳорати юқори баҳоланди. Ҳар иккаласи ҳам Гран-прига муносиб, деб топилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


XALQ BANKI

*Ҳадемай, энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллигини катта тантана сифатида нишонлаймиз. Мана шундай шукуҳли дамларда босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳар жабҳада қўлга киритилган улкан муваффақиятлардан қалбимиз ғурурга тўлади. Зеро, тарихан жуда қисқа давр мобайнида юртимизда рўй берган беқиёс ўзгариш янгиланишларни бугун дунё ҳамжамияти ҳам юксак эътироф этаяпти.*

# Истиқболли лойиҳалар, устувор йўналишлар

Тараққиётимиз ҳақида сўз юритганда, йирик инвестициявий лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ қилиниши, кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг олиб борилиши, замонавий саноат корхоналарининг фойдаланишга топширилиши, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли даромадлари ошишида банк тизимининг алоҳида ҳиссаси борлигини таъкидлаш жоиз. Бошқача айтганда, молиявий муассасаларни ривожлантириш борасида яратилган кенг имкониятлар туфайли тижорат банклари ресурс базасини янада мустаҳкамлаб, иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга муносиб улуш қўшмоқдалар.

Албатта, улар орасида акциядорлик тижорат Халқ банкини қайд этиб ўтиш ўринли. Бинобарин, мазкур банк фаолияти нафақат юртимиз, балки халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам ўз эътирофини топаяпти. Молия муассасасининг “Standard & Poor’s” халқаро рейтинг агентлигининг ижобий баҳосига мунтазам равишда сазовор бўлиб келаётгани бунинг тасдиғидир.

Маълумки, 2015 йилнинг 25 март куни банк устав капиталини ошириш бўйича Президентимиз қарори қабул қилинди. Унга биноан 2015 — 2017 йилларда унинг устав капиталини 185,0 млрд. сўмга кўпайтириб, 385,0 млрд. сўмга етказиш белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда фаолият кўрсатаётган кўплаб тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини амалга ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга асос бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўзбек халқи азалдан бағрикенглиги, меҳнаткашлиги билан ном қозонган. Айниқса, сўлим табиат бағрида, қишлоқларимизда яшайдиган юртдошларимиз чорвачилик, паррандачилик ва бошқа кўплаб фаолият турлари билан доимий шуғулланиб келишган. Биргина чорвачиликнинг ўзи аҳолининг сут, гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим тармоқ ҳисобланади. Демак, бу соҳани бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, янада ривожлантириш долзарб вазифалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 1-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ, банк чорвачилик соҳасини ривожлантириш масалаларига масъул ҳисобланиб, жорий йилда мазкур йўналишда бажарилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини юксак даражага кўтариш масаласи бугун муҳим вазифалардан бири саналади. Жумладан, жорий йилда қишлоқ хўжалигининг 9 та тармоғини янада равнақ топтириш, айниқса, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга қаратилган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳисобига ички истеъмол бозорини арзон ҳамда сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш борасида бир қатор амалий чора-тадбирлар кўрилди. Ҳудудлардаги барча чорвачилик йўналишидаги хўжаликлар жойлардаги молия бўлимлари билан биргаликда тўлиқ ўрганиб чиқилди ҳамда хатловдан ўтказилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳамда “Наслхизмат” уюшмаси корхоналари билан ҳамкорликда ҳар бир чорвачилик йўналишидаги хўжалик бўйича алоҳида хўжалик паспорти ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда фаолият юритаётган ва янги лойиҳалар асосида ташкил этилган, чорвачиликка ихтисослаштирилган жами 6 минг 500 та хўжалик аниқланиб, шулардан 5 минг 116 тасига Халқ банки филиалларида ҳисоб рақамлари очилди.

Қолаверса, ҳудудлардаги 440 та наслчилик тоифасидаги фермер хўжаликлари ҳам хатловдан ўтказилиб, 311 тасининг ҳисоб рақамлари ушбу молия муассасаси филиалларига олинди.

Сўнгги йилларда қорамол етиштириш, аҳолининг гўшт ҳамда сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш йўналишида тадбиркорликни йўлга қўйган юртдошларимиз орасида хотин-қизлар сони тобора ортиб бораётир. Буни банкнинг яқин ҳамкорлари фаолиятидан ҳам билиш мумкин. Жумладан, Норин филиали мижози “Гулчеҳра Маҳамаджонова” фермер хўжалиги раҳбари Гулчеҳра Маҳамаджонова — улардан бири.

— Халқ банки томонидан 3 йил муддатга, олти ойлик имтиёз билан ажратилган 300 млн. сўм миқдоридаги кредит эвазига 50 бош қорамол сотиб олдик, — дейди тадбиркор аёл. — Бугунги кунга келиб, сутни қайта ишлаш корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, мўмай даромад кўраяпмиз. Келгусида аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш ниятидамиз.

Айтиш керакки, 2016 йилда четдан наслли қорамол олиб келиш бўйича “Наслхизмат” уюшмаси таркибига кирувчи 18 та ҳудудий наслчилик корхонаси ҳисоб рақамлари Халқ банкининг филиалларига кўчирилди ва улар томонидан тузилган барча импорт шартномаси банк филиалларида рўйхатга олиниши таъминланди.

Айниқса, қуйидаги кўрсаткичлар диққатга молиқдир: банк томонидан Германия, Эстония, Польша, Украина, Австрия, Венгрия давлатларидан 18 минг 373 бош наслли қорамол олиб келиш бўйича 140,7 млрд. сўм миқдорида шартномалар имзоланди.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 16 январдаги 11-сонли йиғилиш баёнига асосан, 2016 йилда республикамизга четдан 10 минг бош наслли қорамол олиб келиш режалаштирилган эди. Жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида 3 минг 994 бош наслли қорамол келтирилиб, белгиланган режа 40 фоиз бажарилди. Мазкур кўрсаткич ҳудудлар кесимида қуйидагича кўринишга эга: Тошкент вилоятида 1356 бош, Қашқадарё вилоятида 446 бош, Хоразм вилоятида 342 бош, Наманган вилоятида 325 бош, Фарғона вилоятида 319 бош, Андижон вилоятида 556 бош, Сурхондарё вилоятида 245 бош наслли қорамол хориждан келтирилди. Андижон вилоятидаги “Нурилло” фермер хўжалигига эса Германия давлатидан 200 бош наслли қорамол олиб келиш учун 2,0 млрд. сўм миқдорида кредит берилган эди. Ҳозирги кунда фермер хўжалиги 100 бош қорамол билан таъминланди. Шунингдек, Қашқадарё вилоятидаги “Шомурот ота” фермер хўжалигига банкнинг 500 млн. сўмлик кредити эвазига 70 бош қорамол, “Сара чорва барака” МЧЖга эса 300 млн. сўмлик кредит ҳисобидан 30 бош қорамол олиб келиниб, парваришланмоқда. Хоразм вилоятидаги “Қаландар Сапаев” фермер хўжалигига ҳам шу мақсадда банк томонидан 450 млн. сўм ажратилди.




Дарҳақиқат, акциядорлик тижорат Халқ банки юртдошларимизнинг яқин кўмакчиси, ишончли ҳамкорига айланиб улгурди. Мижозлар орасида мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Хусусан, “Манғит чорва сервис” МЧЖ раҳбари Музаффар Мадаминов Халқ банкининг Амударё филиали мижозидир. У банк кредити ҳисобига оила аъзолари билан биргаликда тўрт нафар йигит-қизни иш билан таъминлашга эришди. Шунингдек, 33 бош қорамол сотиб олиб, мўмай даромад кўра бошлади.

— Тадбиркорлик борасида режаларимиз бисёр, — дейди М. Мадаминов. — Насиб этса, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаб, халқимиз дастурхонига турли неъматлар етказиб бермоқчимиз.

Жорий йилнинг ўтган даврида Халқ банки филиаллари томонидан 1538 та лойиҳага жами 162,4 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди. Шундан четдан наслли қорамол олиб келишни назарда тутувчи 219 та лойиҳа 37,9 млрд. сўмлик кредит билан таъминланди. Қувонарлиси, амалга оширилган лойиҳалар ҳисобидан 3649 та иш ўрни очилди.

Қолаверса, банк томонидан эчкичилик ва терини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Франция, Германия, Чехия каби давлатлардан жами 7530 бош эчки сотиб олиш учун 12 млрд. 954 млн. сўм бўлган 9 та импорт шартномаси тузилди. “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг ҳудудий бўлимлари билан биргаликда жойлардаги барча эчкичилик йўналишидаги хўжаликлар хатловдан ўтказилди ва улар учун алоҳида хўжалик паспорти ишлаб чиқилди ҳамда шакллантирилди. Бугунги кунда, хатлов натижасига кўра, республикамизда жами 340 та эчкичилик йўналишидаги хўжалик мавжуд бўлиб, улардан 272 тасининг ҳисоб рақамлари Халқ банкининг филиалларида рўйхатдан ўтказилди.

Шунингдек, Бухоро вилоятидаги “Ғалаба” наслчилик ширкат хўжалигига 79 млн. сўмга хориждан тивит жунли 150 бош наслли эчки, Қашқадарё вилоятидаги “Пачкамар” ширкат хўжалигига эса 103 млн. сўм эвазига шу турдаги 200 бош наслли эчки олиб келиниши режалаштирилган.

— Тивит жуни маҳсулотларига бўлган талабдан келиб чиқиб, ажратилган кредит ҳисобига ширкат хўжалигимизга келтирилган зотдор эчкиларни парваришлашни ҳамжиҳатликда олиб бормоқдамиз, — дейди “Пачкамар” ширкат хўжалиги раҳбари У. Жумаев. — Шунинг ҳисобига жамоамиз сафига яна 5 нафар йигит-қиз қўшилди.

Банк ходимлари бу каби янги лойиҳаларни кредитлаш борасида астойдил изланмоқдалар. Зеро, молия муассасаси томонидан жорий йилнинг январь — июль ойларида 57 та лойиҳага жами 6,9 млрд. сўмлик кредит маблағлари берилди. Шундан четдан 4155 бош наслли эчки олиб келиш учун 26 та лойиҳага 6,1 млрд. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди. Амалга оширилган лойиҳалар ҳисобидан 71 иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, 5 та лойиҳага четдан 2785 бош наслли эчки олиб келиш учун 5,2 млрд. сўмлик миқдордаги маблағлар конвертация учун белгиланган махсус ҳисоб рақамда жамғарилди.

Юқорида айтилганлардан ташқари, 2016 йил охирига қадар четдан жами 6 минг бош наслли эчки олиб келиш режалаштирилган. Шунингдек, қорамол ҳамда эчкичиликни ривожлантириш йўналишида ҳозирги кунда банк филиаллари томонидан жами 21,7 млрд. сўм миқдоридаги 134 та лойиҳа ҳужжатлари кўриб чиқилмоқда.

Акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида кўп тўхталиш мумкин. Бошқача айтганда, ушбу молия муассасаси Ватанимиз равнақи, аҳоли фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга астойдил интилаяпти. Зеро, юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 76 092 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.38 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5 6